

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН

Ҳ У К М

2022 йил июнь ойининг 27 куни жиноят ишлари бўйича Боёвут туман судининг очиқ суд мажлиси, ўз биносида бўлиб,

Раислик қилувчи: Ш.С.Исмаилов, судья ёрдамчиси Б.Бектураевнинг котиблигида, тарафлардан Боёвут туман прокурорининг ёрдамчиси М.Буранов, судланувчи [REDACTED], жабрланувчи А.Холовнинг иштирокида,

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 2-қисми “а”, “б” бандлари билан айбланган [REDACTED]

[REDACTED] жиноят ишини кўриб чиқиб,

[REDACTED] йилда Сирдарё вилояти, Боёвут туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта-махсус, оилали, уч нафар фарзанди бор, меҳнатга лаёқатли, вақтинча ишсиз, муқаддам судланган:

1). Жиноят ишлари бўйича Боёвут туман судининг 06.05.2002 йилдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 3-қисми “а” банди билан, ЖКнинг 57-моддаси қўлланиб, 3 йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган;

2). Жиноят ишлари бўйича Ховос туман судининг 27.05.2004 йилдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 3-қисми “а” банди билан, ЖКнинг 57-моддаси қўлланиб, ҳар ойлик иш ҳақининг 30 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 3 йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган;

3). Жиноят ишлари бўйича Ховос туман судининг 23.09.2004 йилдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 3-қисми “а” банди билан, ЖКнинг 60, 61-моддаларига асосан 6 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган, жиноят ишлари бўйича Навоий шаҳар судининг 09.09.2006 йилдаги ажримига кўра, ўталмай қолган 3 йил 9 ой 24 кун озодликдан маҳрум қилиш жазоси ЖКнинг 74-моддасига асосан шу муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазосига алмаштирилган;

4). Жиноят ишлари бўйича Сирдарё туман судининг 27.06.2011 йилдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 3-қисми “а”

банди билан, ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, 3 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган, жиноят ишлари бўйича Гулистон туман судининг 03.07.2012 йилдаги ажримига кўра, ўталмай қолган 1 йил 11 ой 24 кун озодликдан маҳрум қилиш жазоси ЖКнинг 74-моддасига асосан шу муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазосига алмаштирилган;

5). Жиноят ишлари бўйича Гулистон туман судининг 06.10.2017 йилдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 166-моддаси 2-қисми “а”, “б” бандлари билан, 3 йил 6 ой озодликни чеклаш жазоси тайинланган, жиноят ишлари бўйича Гулистон туман судининг 03.07.2018 йилдаги ажримига кўра, ўталмай қолган 2 йил 9 ой 21 кун озодликдан маҳрум қилиш жазоси ЖКнинг 48¹-моддасига асосан шу муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосига алмаштирилган, жиноят ишлари бўйича Гулистон туман судининг 19.06.2019 йилдаги ажримига кўра, ўталмай қолган 1 йил 10 ой 5 кун озодликдан маҳрум қилиш жазоси ЖКнинг 74-моддасига асосан шу муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазосига алмаштирилган, жиноят ишлари бўйича Гулистон туман судининг 29.11.2019 йилдаги ажримига кўра, ўталмай қолган 1 йил 9 ой 5 кун ахлоқ тузатиш ишлари жазоси ЖКнинг 46-моддасига асосан шу муддатга озодликни чеклаш жазосига алмаштирилган, жиноят ишлари бўйича Гулистон туман судининг 14.12.2020 йилдаги ажримига кўра, ўталмай қолган 8 ой 27 кун озодликни чеклаш жазосини ўташдан ЖКнинг 73-моддасига асосан муддатидан илгари шартли озод қилинган, [REDACTED]

[REDACTED] яшайди, 27.10.2021 йилда сиртдан “қамоққа олиш” тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилиб, 13.12.2021 йилдан қамоқда сақланмоқда, айблов хулосаси нусхасини олган.

Суд, судланувчи, жабрланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб ва ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, ишда қатнашган прокурорнинг фикрини ҳамда судланувчининг ҳимоя ва охирги сўзини тинглаб, қуйидагиларни

АНИҚЛАДИ:

Судланувчи [REDACTED] муқаддам судланиб, жазо ўтаётган бўлишига қарамасдан, фирибгарлик, яъни алдаш ва ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг мулкани қўлга киритиш мақсадида, жиноят ишининг уларга нисбатан қисми алоҳида иш юритувига ажратилган шахслар билан олдиндан тил бириктириб, бир гуруҳ бўлишиб, [REDACTED]

[REDACTED] яшовчи фуқаро Холов Абдулло Шириновични алдаб, унинг ишончига кириб, унга трактор олиб беришни ваъда қилишиб, 2021 йил апрель ойи давомида фуқаро А.Холовдан бўлиб-бўлиб жами 35.000.000 сўм пулларни фирибгарлик йўли билан қўлга киритишиб, пулларни ўзларининг шахсий эҳтиёжлари учун ишлатиб, жабрланувчи А.Холовга анча миқдорда моддий зарар етказган.

Судланувчи [REDACTED] ўзининг жиноий ҳаракатлари билан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 2-қисми “а”, “б” бандида назарда тутилган жиноятни қасдан содир қилган.

Суд мажлисида сўроқ қилинган судланувчи [REDACTED] ўзига эълон қилинган айбга тўлиқ иқрорлик билдириб, 2021 йил апрель ойида таниши Куранбоев Тоир уни Бухоролик Холов Абдулло исмли шахс билан таништирганлигини, Тоир унга Абдулло трактор сотиб олмоқчи эканлигини айтганлигини, шунда у Абдуллога лизинг асосида трактор олиб беришини айтганлигини, у Абдуллодан лизинг харажатлари учун деб дастлаб 200 АҚШ доллари, кейин яна 200 АҚШ доллари миқдоридagi пулларни олганлигини, шундан сўнг Гулистон туман ИИБ ҳузуридаги тергов бўлинмаси томонидан Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси билан жиноят иши қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари юритилаётган вақтда у Россия Федерациясига ишлаш мақсадида кетиб қолганлигини, ҳозирги кунда у жабрланувчи А.Холовга етказилган зарарни тўлиқ қоплаганлигини, жабрланувчининг унга нисбатан даъвоси йўқлигини, қилмишидан пушаймонлигини инобатга олиб, енгиллик беришни сўраб кўрсатув берди.

Суд мажлисида сўроқ қилинган жабрланувчи [REDACTED] ўзининг дастлабки терговдаги кўрсатувларини тасдиқлаб, у ҳозирги кунда “Барчиной Иброхим” МЧЖ раҳбари сифатида ишлаб келишлигини, МЧЖ фаолият турига қишлоқ хўжалиги техникалари билан фермерларга хизмат кўрсатиш ва бошқалар киришлигини, Гулистон тумани, Бешбулоқ маҳалласида яшовчи Қуранбаев Тоирни 2019 йилдан бери танишлигини, 2021 йил апрель ойида Тоир ўзининг унга телефон қилиб, сотиладиган трактор борлигини, қонуний ҳужжатлари борлигини айтганлигини, тракторга 10.000.000 сўм берса, уни чиқариб олиб кетиши мумкинлигини айтганлигини, Тоирнинг гапларига ишониб эртаси куни Сирдарё вилояти, Гулистон туманига

келганлигини, Тоир шу куни ундан тракторга пул беришини сўраганлигини, лекин Тоир унга тракторни кўрсатмаганлигини, бориб кўришни сўраганимда, трактор устада эканлигини айтганлигини, шу куни у Тоир билан трактор таъмирловчи устанинг олдига боришганлигини, Тоир устага тракторни кўришини айтганида, уста Тоирга тракторнинг эгасини олиб келса кўрсатишини айтганлигини, шунинг учун шу куни у Бухорога қайтиб кетганлигини, орадан икки кун ўтиб, Тоир унга телефон қилиб, унга сотиладиган трактор тайёрлигини айтганлигини, у яна Сирдарёга келганлигини, Тоир билан Бешбулоқ маҳалласида учрашганлигини, Тоир унга трактор Шавкат исмли “лизинг” бошлиғини уйда эканлигини, бориб кўриши мумкинлигини айтганлигини, шунда киракаш Тохир ака ҳам бўлганлигини, Тоир киракаш Тохир акага тракторини унга кўрсатиб келишини айтганлигини, киракаш Тохир ака уни Шавкат исмли лизинг бошлиғини уйига олиб борганлигини, ушбу уйдан унга нотаниш бўлган фуқаро чиқиб келганлигини, киракаш Тохир ака унга тракторни кўрсатишини айтганлигини, кейин уйга кириб дарахт соясида турган 3 дона тракторлардан LS русумли тракторни кўрганлигини, киракаш Тохир ака ушбу фуқародан тракторининг эҳтиёт қисмларини қаерда эканлигини сўраганида, устанинг уйда турганлигини айтганлигини, тракторни кўрганларидан сўнг Тоирнинг ёнига қайтиб борганлигини, Тоир шу куни уни Равшан исмли фуқарони уйига олиб борганлигини, Тоир айтган тракторини Равшан аканинг фермер хўжалиги номига чиқариб ҳужжатлар расмийлаштириб беришини айтганлигини, Равшан ака бундан олдин бир неча маротаба трактор чиқарганлигини, чиқариб бериш муаммо бўлмаслигини айтганлигини, Тоир унга савдони Равшан ака билан қилишини, тракторин чиқарадиган одам шу эканлигини айтганлигини, кейин у Равшан ака билан тракторни 49.000.000 сўмга савдо қилишганлигини, Равшан ака ундан трактор учун олдиндан 10.000.000 сўм пулларни беришини айтганлигини, у унга трактор чиқмагунча пулларни бермаслигини айтганлигини, Тоир ҳам аралашиб трактор учун Равшан акага пул беришини сўраганлигини, лекин у пулларни бермаганлигини, кейин у Тоир билан Гулистон тумани, Бешбулоқ маҳалласи ҳудудидаги тўйхона олдига боришганлигини, Тоир унга трактор учун пул беришини, танишлари кўплигини, тракторни улар орқали чиқариб беришини, агарда тракторни чиқариб бера олмаса, моллари борлигини, молларини сотиб бўлса ҳам пулларни беришини айтганлигини, у Тоирнинг гапларига ишониб киракаш Тохир аканинг гувоҳлигида Тоирга 5.000.000 сўм берганлигини, шу куни Тошкент шаҳрига қариндошларининг уйига кетганлигини, эртаси куни эрталаб Тоир унга қўнғироқ қилиб, трактор чиқиши ҳал бўлганлигини, 1000 АҚШ доллари пулларни олиб беришини айтганлигини, шу куни Гулистон тумани, Бешбулоқ маҳалласига келганлигини, Тоир билан Сайхунобод туманидаги ЙПХ блок пости олдида кўришганлигини, Тоир унга бугун

трактор чиқади деб айтганлигини, шу ерда Тоирга киракаш Тохир ака гувоҳлигида 10.000.000 сўм ҳисоблаб 1000 АҚШ доллар пулларни берганлигини, орадан уч-тўрт кун ўтса ҳам Тоир трактори чиқариб бермаганлигини, шундан сўнг Тоир ундан пул олганлиги, тракторни 2021 йил 7 май кунига қадар чиқариб бериши тўғрисида тилхат ёзиб берганлигини, у Бухорога қайтиб кетганлигини, орадан 5 кунлар ўтиб, Тоир унга кўнғироқ қилиб, техникани чиқариш кераклигини, иш ҳал бўлганлигини, Равшан ака ҳал қила олмаганлигини, техникани чиқаришга бошқа одам топганлигини, шунинг учун пул олиб келишини айтганлигини, шу куни Гулистон шаҳрига келиб, Тоирга телефон қилганлигини, Тоир ўзининг бошқарувида бўлган Кобалт русумли автомашинада унинг олдига келиб, уни Чуқурсой деган жойга чойхонага олиб борганлигини, чойхона олдида борганларида унга нотаниш бўлган кейинчалик танигани Шавкат исмли фуқаро чиқиб келганлигини, Тоир Шавкатнинг олдида унга чойхона ичкарасида Лизингни бошлиқлари ўтирганлигини, кириб чиқишини айтганлигини, кирганида ичкарида унга нотаниш бўлган бир нафар аёл, икки нафар эркак кишилар ўтирганлигини, улар билан саломлашганидан сўнг Тоир уни кўчага чақирганлигини, у кўчага чиққанлигини, Тоир аёл кишини Лизинг компанияси бухгалтери деб, икки нафар эркакларни эса бирини кейинчалик танигани Ўткир акани Лизинг бошлиғи, иккинчисини ўринбосари деб таништирганлигини, Тоир трактор тезроқ чиқиши учун уларга чой бераётганлигини, шундай тезроқ ҳал бўлишини айтганлигини ва унга шу ерда кимга қанча пул берганини, тракторни қанчага сотиб олаётганлигини ҳеч кимга айтмаслигини айтганлигини, кейин Тоир унга пул беришини айтганлигини, у Тоирга техника чиқмаса пул бермаслигини айтганлигини, Тоир унга ишонишини, трактор тайёрлигини, автокранга бензин ҳам олиб кўйганлигини, тракторни шу куннинг ўзида юклаб олиб кетишини айтганлигини, шу вақтда Шавкат ҳам у билан бирга турганлигини, шундан сўнг у ишончи комил бўлиб, шу ерда Тоирга яна 1000 АҚШ доллари пул берганлигини, Тоир пулларни олиб, Шавкат билан бирга автомашинага ўтириб, кимгадир пул беришларини, шундан сўнг трактор чиқишини айтишиб, у ердан кетишганлигини, у чойхонада ўтирган Тоир лизинг бошлиғи, ўринбосари ва ҳисобчиси деб айтган одамлар олдида кирганлигини, уларга нима мақсадда келганлигини айтмаганлигини, чунки Тоир унга уларга ҳеч нарса айтмаслигини тайинлаганлигини, улар билан суҳбати давомида Тоир лизинг бошлиғи деб таништирган Ўткир акадан нима иш қилишини сўраганида агротехникада ишлайман деб айтганлигини, шу вақтда унга нотаниш бўлган 3-чи шахс уларнинг олдиларидан чиқиб кетиб, қайтиб келмаганлигини, орадан бир соатлар ўтиб, Шавкат ва Тоир чойхонага қайтиб келишганлигини, унга иш ҳал бўлганлигини, кечаси тракторни юклаб олиб кетиши мумкинлигини айтишганлигини, шундан сўнг Тоир билан бирга Ўткир ака ва аёл чиқиб кетишганлигини, Шавкат

у билан қолганлигини, шунда у Шавкат билан гаплашганида у фермер эканлигини, LS русумли трактор уники эканлигини, муқаддам бир неча марта шу тарзда трактор сотганлигини, тракторни 40.000.000 сўмга сотаётганлигини айтганлигини, шу орада юк машинаси келганлигини, у ҳайдовчисини чойхонага олиб келганлигини, у унга тракторни 49.000.000 сўмга сотиб олаётганлигини айтганлигини, шу ерда Шавкат чойхонага тўлаш учун пул беришини, тракторнинг қолган пулидан чегирма қилишини айтганлигини, у шундан сўнг Шавкатга 200 АҚШ долларини чойхона харажатлари учун берганлигини, шундан сўнг Шавкат трактор эртаси куни чиқишини, унгача уларни меҳмонхонага жойлаштиришини айтганлигини, Шавкат, у ва ҳайдовчи билан бирга меҳмонхонага боришганлигини, Шавкат меҳмонхонани гаплашиб, эртаси куни соат 08:00га қадар қолишлари учун 100.000 сўм тўлаганлигини ва у ердан кетганлигини, эртаси куни соат 14:00ларда Шавкат келиб, трактор ҳал бўлганлигини, Лизинг бошлиғи имзо қўйса, трактор чиқишини айтганлигини, лекин шу куни трактори чиқмаганлигини, ҳайдовчи ва у яна меҳмонхонада қолишганлигини, Тоирга қўнғироқ қилган вақтида у нима сабабдан тракторни 49.000.000 сўмга олаётганлигини Шавкатга айтиб қўйганлигини сўраганлигини, у тракторни қанчага сотишини қизиғи йўқлигини, унга тракторни чиқариб беришини айтганлигини, Тоир трактор чиқишини, Шавкатга пул бермаслигини, пулни ўзига беришини айтганлигини, эртаси куни соат 19:00 ларда Шавкат келиб, унга пул беришини, тракторнинг пулидан чегириб қолишини айтганлигини, у Шавкатга пул бермаганлигини, эртаси куни у юк машинаси ҳайдовчиси билан бирга Гулистон тумани, Бешбулоқ маҳалласига келганлигини, Тоирга қўнғироқ қилган вақтида у телефонни кўтармаганлигини, шу куни ўша ерда автомашинада тунаб қолишганлигини, эртаси куни ҳайдовчи унга кетишини, кутиб тура олмаслигини, унинг пулини беришини айтганлигини, шундан сўнг у Тоирнинг отасини ёнига бориб, унинг оила аъзоларига бўлган гапларни айтиб берганлигини, шу вақтда Тоир, Шавкат ва Ўткир келишганлигини, шу ерда Тоирнинг отаси ҳолат билан иши йўқлигини, Тоирнинг ўзи муаммони ҳал қилишини айтганлигини, Ўткир ака “тракторни ҳал қилиб берамиз, сен ўйлама” деб ҳайдовчига пул бериб кузатиб юборишини, ушбу пулни тракторнинг пулидан чегириб қолишини айтганлигини, у ҳайдовчига 400 АҚШ доллари бериб, уни кузатиб юборганлигини, Тоир тракторни чиқариб беришини айтганлигини, лекин тракторни чиқариб бера олмаганлигини, эртаси куни Шавкат, Тоир билан Гулистон тумани, А.Яссавий маҳалласида учрашганлигини, Шавкат унга тракторнинг ҳужжатларини кўрсатганлигини, Тоир 200 АҚШ доллари берса, техника чиқишини, юк машинасини чақиришини айтганлигини, шундан сўнг Тоир унга Шавкатга 200 АҚШ доллари пулларни беришлигини, лизинг ҳуқуқшуносига беришлигини айтганлигини, у 200 АҚШ доллар пулларни Шавкатга берганлигини, у Тоир ва Шавкатга тракторни чиқариб, юк

машинасига юклаб қўйишларини, ўзи Бухорога бориб, Ҳайит байрамини ўтказиб қайтиб келиб, олиб кетишини айтганлигини, шу вақтда Тоир телеграм орқали унга тракторнинг эҳтиёт қисмларини суратга олиб ташлаб берганлигини, у Бухорога кетганлигини, байрамдан сўнг келган вақтида Тоир ва Шавкат тракторни чиқариб бермаганлигини, шундан сўнг ариза билан Гулистон тумани ИИБга келганлигини, шундай қилиб унга Тоир ва бошқалар томонидан 1900 АҚШ доллари ва 2.000.000 сўм зарар етказилганлигини, кейинчалик Равшан ака унга Тоирдан 10.000.000 сўм пулларни олганлигини, ушбу пулларни ўзи беришлигини айтганлигини, ҳақиқатдан ҳам Равшан ака унга 10.000.000 сўм пулларни берганлигини, кейинчалик Тоир ҳам трактор учун олган пулларида 3.000.000 сўмини қайтариб берганлигини, ҳозирги кунда судланувчи Ш.Боймуратов унга нисбатан етказилган моддий зарарни тўлиқ қоплаб берганлигини, ундан кечирим сўраганлигини, чин кўнгилдан пушаймонлигини билдирганлигини, шу сабабли унга нисбатан даъвоси йўқлигини маълум қилиб кўрсатув берди.

Суд мажлисида сўроқ қилинган гувоҳ Куранбоев Тоир Набиевич, ўзининг дастлабки терговдаги кўрсатувларини тасдиқлаб, ҳақиқатдан ҳам у шу кунга қадар қишлоқ хўжалиги техникаларини топиб, уларни мижозларга кўрсатиб, даллолик билан шуғуллунаниб келганлигини, Бухоро вилоятида яшовчи Холов Абдулло телефон орқали уни топиб, телефон қилиб, у орқали 2020 йил куз ойларида Сайхунобод туманида яшовчи фуқарога тегишли Беларус русумли тракторни 50.000.000 сўмга сотиб олганлигини, Абдулло унга тракторни топиб бергани эвазига моддий манфаат бермаганлигини, шундан сўнг у Абдулло билан таниш бўлиб қолганлигини, 2021 йил май ойи бошларида маҳалласида яшовчи қариндоши Норйигитов Равшан ўзининг фермерлигида бўлган тракторни сотмоқчи эканлигини, 10.000.000 тўлови борлигини, шу тўловини қилиш кераклигини айтиб, унга харидор топиб беришини айтганлигини, шунда у таниши Абдуллога кўнғироқ қилиб, унга сотиладиган трактор борлигини, нархи 50.000.000 сўм эканлигини, сотиб олмоқчи бўлса келиб кўришини айтганлигини, шундан сўнг Абдулло келганлигини, у унга Равшаннинг уйини тушунтириб, унинг телефон рақамини берганлигини, шундан сўнг Абдулло бориб, тракторни кўриб келганлигини, шундан сўнг Абдулло унинг гувоҳлигида Равшаннинг уйида тракторни 49.000.000 сўмга келишганлигини, у ўртада турганлиги учун дастлабки тўлов сифатида 5.000.000 сўм, бир неча кундан сўнг 900 АҚШ доллари пулларни унга берганлигини, у ушбу пулларни Равшанга берганлигини, Равшан тракторни уч-тўрт кунда чиқариб беришини айтганлигини, шундан сўнг Равшандан 5.000.000 сўм пулларни тракторнинг эҳтиёт қисмлари учун олиб, бозордан эҳтиёт қисмлар олиб уйига олиб келиб қўйганлигини, сабаби тракторни юргизиш учун эҳтиёт қисмлари ўрнатиш керак бўлганлигини, Равшан тракторни Абдуллога чиқариб бермаганлигини,

шунинг учун у эҳтиёт қисмларни унга ўрнатиб бера олмаганлигини, шу орада Гулистон тумани, Усмон Носир маҳалласида яшовчи унга нотаниш бўлган Шавкат исмли фуқаро унга телефон қилиб, Равшаннинг тракторини тўлов борлигини, шу тўловини тўланса, уни олиб чиқиб беришини айтиб, ундан пул сўраганлигини, шундан сўнг у Абдуллони Гулистон шаҳрига Чуқурсойга чақирганлигини, у Чуқурсойда танишлари Шавкат, Ўткир ака, Махмудов Умидлар билан чойхонада ўтирганлигини, шу ерда чойхона ҳовлисида Абдуллодан яна 1000 АҚШ доллари пулларни олиб, Шавкатга берганлигини, Шавкат ушбу пулларни олиб, кимгадир тўлов қилишини, трактор чиқишини айтиб, пулни кимгадир бериб қайтиб келганлигини, Шавкат тракторни ўзи олиб чиқиб беришини, Равшан билан ўзи келишиб олишини, агар тракторни олиб чиқиб бера олмаса, Равшан олган пулларни ҳам, ўзи олган 1000 АҚШ долларини ҳам қайтариб беришини айтганлигини, лекин шу кунга қадар берган ваъдасини бажармади, у Абдуллодан жами 1900 АҚШ доллари ва 5.000.000 сўм пул олганлигини, дастлаб Абдулло унга 5.000.000 сўм пул берганлигини, у ушбу пулларни Норигитов Равшанга олиб бориб берганлигини, шундан сўнг Равшан ваъда қилинган трактор лизингга тегишли эканлигини, лизингдан тракторни чиқариш учун 900 АҚШ доллари миқдорида пул кераклигини айтганидан сўнг Абдулло билан телефон орқали боғланиб унга 900 АҚШ доллари олиб келишини айтганлигини, Абдулло унга 900 АҚШ долларини берганидан сўнг у ушбу пулларни Равшанга олиб бориб берганлигини, 900 АҚШ долларини Равшанга олиб бориб берган вақтида, у Равшанга ушбу берилган 900 АҚШ долларидан 5.000.000 сўмга ҳисоблаб 400 АҚШ доллари олганлигини, бунга сабаб, у Равшан ваъда қилган трактор учун эҳтиёт қисм олиши керак бўлганлигини, Равшандан олган 400 АҚШ долларига Равшан ваъда қилган тракторга эҳтиёт қисм олмасдан ўзининг эҳтиёжлари учун ишлатиб юборганлигини, бундан ташқари Абдуллодан трактор учун 1000 АҚШ долларини Боймуродов Шавкатга олиб берганлигини, бунга сабаб, Равшан ваъда қилган, яъни лизингдан олиб бериши керак бўлган тракторни олиб бермасдан турли баҳоналар қилиб, ундан олган жами 10.000.000 сўм пулларни ўзининг эҳтиёжи учун ишлатиб юборганидан сўнг у Гулистон тумани, Бешбулоқ маҳалласида яшовчи Ўткир ака орқали Шавкат билан танишиб қолганлигини, шунда Шавкат унга Равшан тракторни лизингдан олиб чиқиб бера олмаган бўлса, тракторни ўзим олиб чиқиб бераман, бунинг учун лизингга 1000 АҚШ доллари тўланиши керак деб айтганлигини, мўнг у Абдулло билан гаплашиб ундан 1000 АҚШ доллари миқдорида пул олиб Шавкатга берганлигини, лекин у ҳам ваъдасини устидан чиқмаганлигини ва тракторни олиб чиқиб бермаганлигини, у Абдуллодан 1900 АҚШ доллари ва 5.000.000 сўм олганлигини, қолган 400 АҚШ доллари пулларни Шавкат олганлигини, юк машинасига харажатларни ҳам

Шавкат беришини айтганлигини, ҳақиқатдан у Абдуллони чойхонага олиб борган вақтида уч нафар кишилар, яъни маҳалладоши Ўткир ака, Умид ака ва унга нотаниш бўлган бир аёл киши овқатланиб ўтиришган бўлганлигини, ўша вақтда у Абдулло чойхонада ўтирган маҳалладоши Ўткир ака, Умид ака ва унга нотаниш бўлган бир аёл киши, бирини Лизинг бошлиғи, бирини ўринбосари ва аёл кишини эса ҳисобчи деб таништириб, тракторни лизингдан чиқариш учун уларга чойхонада чой бераётганлигини айтганлигини, дастлаб бу гапини тан олмаганлигини, сабаби бу тарзда кўрсатма берса, унга нисбатан оғирроқ жазо қўлланиши мумкинлигини ўйлаганлигини, у Абдуллодан олган 1000 АҚШ долларини Шавкатга берганлигини, Шавкат ушбу пулларни лизингга тўлов қиламан деб олганлигини, Шавкат ушбу пулларни нима мақсадда ишлатганлигини билмаслигини, Равшанни муқаддам умуман трактори бўлмаган, бундан ташқари у трактор олди-сотдиси билан шуғулланмаслигини, у Абдуллога 2021 йил 07 май куни тракторни олиб чиқиб кетиш тўғрисида тилхат ёзиб берганлигини, Равшан ўша вақтда унинг иштирокида Абдуллога 2021 йил 07 май куни тракторни олиб чиқиб кетишлиги тўғрисида айтганлигини, Абдулло эса Равшанга ишонмаслигини, пулларни унинг қўлига берганлигини айтганидан сўнг Абдулло ишониши учун шу тарзда тилхат ёзиб берганлигини, шундан сўнг Абдулло тилхатни олиб Бухорога кайтиб кетганидан сўнг ваъда қилинган тракторни Абдулло олиб кета олмаслигини билганлигини, бу ҳақда Абдуллога айтиб, унга тракторни Равшан эмас, балки Шавкат олиб беришини айтганлигини ва Абдуллога 1000 АҚШ долларини олиб келишини, Шавкат ушбу пулларни лизингга тўлов қилиб, тракторни олиб чиқиб беришини айтганлигини, Абдулло унинг гапига ишониб, унга 1000 АҚШ доллари берганлигини, у эса ундан олган 1000 АҚШ долларини Шавкатга берганлигини, Абдуллодан олган 1000 АҚШ долларини Шавкатга берган вақтида, Шавкат уни ушбу пуллардан моддий манфаатдор этмаганлигини, у ҳақиқатдан ҳам Шавкат билан тракторни 40.000.000 сўмга келишганлигини, Равшан Абдуллодан у орқали 10.000.000 сўм олган, у 5.000.000 сўм олганлигини ва Шавкат 1000 АҚШ доллари олганлигини, келишувга кўра, Шавкат трактор учун қолган пулларни олиб, тракторни Абдуллога бериб юбориши керак эди, Равшан олган 10.000.000 сўм пулларни Шавкатга у олиб беришини, ўзи олган 5.000.000 сўм пулларни ҳам унга беришини айтганлигини, Шавкат Абдуллодан 24.000.000 сўм пулларни олиши ва 9.000.000 сўмни унга бериши керак бўлганлигини, шунда у тракторни 40.000.000 сўмга сотган бўлишини, улар шунга келишганлигини, Шавкат ундан 1000 АҚШ долларини олганлигини тан олиб айтган вақтда, унинг гапини Абдулло, юк машинаси ҳайдовчиси, унинг ота-онаси, Ўткир ака ҳам эшитганлигини маълум қилиб кўрсатув берди.

Судланувчи [REDACTED] юқорида баён этилган жиноятни содир этганликдаги айби, жабрланувчи ва гувоҳнинг суд мажлисида

берган кўрсатувлари билан, шунингдек жиноят ишида мавжуд қуйидаги далиллар билан, яъни;

-фуқаро [REDACTED] Гулистон туман ИИБ бошлиғи номига Т.Қурбонбаевга қонуний чора кўриш ва ундан 35.000.000 сўм пулларни ундириш ҳақида ёзган аризаси билан (и.в. 4-бети);

-фуқаро Т.Қурбонбаевнинг Абдулло исмли шахсдан трактор олиб бериш учун 2021 йил 20 апрель куни 15.000.000 сўм пул олганлиги ҳақидаги тилхати билан (и.в. 14-бети);

-тушунтириш хатлари билан, гувоҳларнинг дастлабки тергов даврида берган ва суд мажлисида ўқиб эшиттирилган кўрсатувлари билан, юзлаштириш баённомалари билан, шунингдек жиноят ишида тўпланган бошқа далиллар билан тўлиқ ўз исботини топган деб ҳисоблайди.

Суд, судланувчи [REDACTED] жиноий ҳаракатларини юридик квалификациясини муҳокама қилиб, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2017 йил 11 октябрдаги “Фирибгарликка оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 35-сонли қарорининг 3-бандида фирибгарлик ўзганинг мулкни ёки мулкка бўлган ҳуқуқини алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан қонунга хилоф равишда ва текин қўлга киритишда ифодаланиб, бунинг таъсирида мулкдор (унинг вакили), мулкнинг бошқа эгаси ёки ваколатли орган мулкни ёки унга бўлган ҳуқуқни бошқа шахсга бериши, ёинки ушбу мулк ёки унга бўлган ҳуқуқ бошқа шахс томонидан олиб қўйилишига имконият бериши, мазкур Пленум қарорининг 7-бандида мулкни эгаллашга қаратилган фирибгарлик, мазкур мулк айбдор ёки бошқа шахсларнинг ғайриқонуний эгаллигига ўтган ва улар ундан хоҳлаган тарзда фойдаланиш ёки тасарруф этиш реал имкониятига эга бўлган пайдан тугалланган деб топилиши ҳақидаги раҳбарий тушунтиришларидан келиб чиқиб, судланувчи [REDACTED] бир гуруҳ шахслар билан олдиндан тил бириктириб, жабрланувчи А.Холовга трактор олиб беришни ваъда қилиб, уни алдаб, ишончига кириб, 2021 йил апрель ойида жами 35.000.000 сўм пулларни фирибгарлик йўли билан қўлга киритиб, пулларни ўзининг шахсий эҳтиёжлари учун ишлатиб юборганликдаги ҳаракати Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 2-қисми “а”, “б” бандлари тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Суд, судланувчи [REDACTED] жазо тури ва меъёрини белгилашда унинг айбига иқрорлигини, қилмишидан пушаймонлигини жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб баҳолаб, унинг муқаддам қасддан содир этган жинояти учун судланиб, жазони ўташ даврида қасддан янги жиноят содир этганлигини жазони оғирлаштирувчи ҳолат деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти

тўғрисида”ги 1-сонли қарорининг 3-бандидаги Жиноят кодексининг 8, 54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши - ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги ҳақидаги раҳбарий тушунтиришларига амал қилиб, судланувчи [REDACTED] қилимишидан пушаймонлигини, жиноят оқибатида етказилган моддий зарарни тўлиқ қопланганлигини инobatга олиб, унга нисбатан у айбли деб топилган ЖКнинг 168-моддаси 2-қисми “а”, “б” бандлари билан ахлоқ тузатиш ишлари жазосини тайинлашни, шунингдек жиноят ишлари бўйича Гулистон туман судининг 06.10.2017 йилдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 166-моддаси 2-қисми “а”, “б” бандлари билан тайинланиб, жиноят ишлари бўйича Гулистон туман судининг 14.12.2020 йилдаги ажримига кўра, ЖКнинг 73-моддасига асосан муддатидан илгари шартли озод қилинган, 8 ой 27 кун озодликни чеклаш жазосини ЖКнинг 60-моддасига асосан ушбу ҳукм билан тайинланган жазога қисман қўшиш йўли билан, узил-кесил ҳукмлар мажмуи бўйича жазонинг оғирроқ турини тайинлаб, ЖКнинг 62-моддасига асосан [REDACTED] қамоқда сақланган кунларини тайинланган жазодан чегириб, унга нисбатан танланган эҳтиёт чорасини ўзгартириб, қамоқдан озод қилишни лозим деб ҳисоблайди.

Шунингдек суд, жиноят натижасида жабрланувчига етказилган моддий зарар миқдори ва унинг қопланишини муҳокама қилиб, жабрланувчи А.Холовга моддий зарар судланувчининг қариндошлари томонидан тўлиқ қопланганлигини ва бу ҳақда жабрланувчининг тилхати мавжудлигини инobatга олишни лозим деб ҳисоблайди.

Шунингдек суд, Гулистон туман прокурорининг судланувчи [REDACTED] Россия Федерациясидан этап қилиб олиб келиш сарфланган 41.254.344 сўм хизмат сафари харажатларини ундириш ҳақидаги даъво аризасини муҳокама қилиб, унда келтирилган важларни асосли деб ҳисоблаб, уни қаноатлантиришни ва судланувчи [REDACTED] этап ҳаражаатлари учун 41.254.344 сўм ундиришни белгилашни лозим деб ҳисоблайди.

Бундан ташқари, суд жиноят ишидаги судланувчи [REDACTED] ҳимоячи хизматидан воз кечиш жараёни видео тасвири ёзиб олинган бир дона DVD дискни жиноят иши ҳужжатлари билан бирга сақлашни белгилашни лозим деб ҳисоблайди.

Юқорида баён этилганларга асосан ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖПК 454-457, 460, 462-463, 465-468, 471-474-моддаларига қўлланилиб, суд

ҲУКМ ҚИЛАДИ:

Судланувчи [REDACTED]

[REDACTED] Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси

2-қисми “а”, “б” бандларида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин.

Судланувчи [REDACTED] Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 2-қисми “а”, “б” бандлари билан, ҳар ойлик иш ҳақининг 20 (йигирма) фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолиш шарти билан 3 (уч) йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 60-моддасига кўра, мазкур ҳукм билан тайинланган ахлоқ тузатиш ишлари жазосини ЖКнинг 61-моддаси тартибида ахлоқ тузатиш ишлари жазосининг ҳар уч кунини озодликни чеклаш жазосининг бир кунига тенглаштириб, жиноят ишлари бўйича Гулистон туман судининг 06.10.2017 йилдаги ҳукмига кўра тайинланиб, жиноят ишлари бўйича Гулистон туман судининг 14.12.2020 йилдаги ажримига кўра, ЖКнинг 73-моддасига асосан муддатидан илгари шартли озод қилинган, 8 ой 27 кун озодликни чеклаш жазосига қисман қўшиш йўли билан, судланувчи Ш.Боймуротовга жиноятлар мажмуи бўйича узил-кесил ўташлик учун, тунги соат 22:00дан тонги соат 06:00га қадар яшаш хонадони, яъни Сирдарё вилояти, Гулистон тумани, Бирлашган маҳалласи, ИҚбол кўчаси, 27-уйни тарк этиши чекланган ҳолда 1 (бир) йил 6 (олти) ой муддатга озодликни чеклаш жазоси тайинлансин,

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 62-моддасига асосан, судланувчи [REDACTED] 13.12.2021 йилдан 27.06.2022 йилга қадар қамоқда сақланган 6(олти) ой 14 (ўн тўрт) кунни ҳар бир кунини озодликни чеклаш жазосининг бир кунига тенглаштириб, тайинланган озодликдан чеклаш жазосининг 6(олти) ой 14 (ўн тўрт) кунини ўталган деб ҳисоблаб, тайинланган жазодан чегириб, якуний ўташ учун 11 (ўн бир) ой 16 (ўн олти) кун озодликни чеклаш жазоси қолдирилсин.

Судланувчи [REDACTED] зиммасига қуйидаги қўшимча тақиқ (чеклаш)лар юклансин:

-назорат қилувчи органнинг рухсатисиз кўнгилочар жойларга бормаслик ҳамда оммавий тадбирларда (дафн маросимлари ва сайлов жараёнларидан ташқари) иштирок этмаслик, алкоғолли ичимликлар истеъмол қилмаслик;

-назорат қилувчи органнинг рухсатисиз уй-жойни ва иш жойини ўзгартирмаслик ҳамда Сирдарё вилояти ҳудудидан чиқмаслик каби тақиқлар (чекловлар) юклатилсин.

Судланувчи [REDACTED] Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 48¹-моддаси талабини, яъни ўрнатилган тақиқлар (чекловлар)ни бузган ҳамда ўз зиммасига юклатилган мажбуриятларни бажармаган тақдирда, унга нисбатан қўлланилган жазо бошқа турдаги жазога алмаштирилиши мумкинлиги тўғрисида огоҳлантирилсин.

Судланувчи [REDACTED] ўзига қўйилган тақиқлар (чекловлар)га риоя этиши ва унинг хулқи устидан назорат ўрнатиш ва ижросини таъминлаш вазифаси Сирдарё вилояти, Гулистон туман ИИБ

жазони ижро этиш инспекцияси зиммасига юклатилсин.

Судланувчи [REDACTED] нисбатан қўлланилган “қамоққа олиш” эҳтиёт чораси бекор қилиниб, суд залидан қамоқдан озод қилинсин.

Судланувчи [REDACTED] этап ҳаражаатлари учун Сирдарё вилоят ИИБ фойдасига 41.254.344 сўм ундирилсин.

Жиноят ишидаги судланувчи [REDACTED] ҳимоячи хизматидан воз кечиш жараёни видео тасвири ёзиб олинган бир дона DVD диск жиноят иши ҳужжатлари билан бирга сақлансин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан бошлаб, судланувчи ва фуқаровий даъвогар вакили ҳукм нусхасини олган кундан бошлаб йигирма сутка ичида Сирдарё вилоят судининг апелляция инстанциясига шикоят бериши ёки протест билдириши мумкин.

Раислик қилувчи:
“нусхаси аслига тўғри”
Жиноят ишлари бўйича
Боёвут туман судининг раиси

(имзо)

Ш.С.Исмаилов

Ш.С.Исмаилов

1-2, 5-6, 9-10, 13
3-4, 7-8, 11-12